O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 28 октябрь ЧОРШАНБА

№ 86 (12.202)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига икки ой қолди.

27 декабрь – сайловлар куни

Бутун республикада бўлгани каби, халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг тақвим режасида тасдиқланган ташкилий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жорий йил 19 октябрдан халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов округлари бўйича тузилган округ сайлов комиссиялари ўз фаолиятини бошлади.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига биноан сайловдан камида олтмиш кун олдин сайлов участкалари тузилиши лозим. Сайлов жараёнининг муҳим бўғини ҳисобланмиш сайлов участкаларида бевосита овоз бериш жараёни кечади.

Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида вилоят маҳаллий кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Қайд этилганидек, сайлов участкалари шаҳар ва туман ҳокимликлари тақдимномасига биноан сайловчиларга мумкин қадар қулайлик яратилиши инобатга олингани ҳолда тузилди. Шаҳар ва туманлар кесимида сайлов округлари жойлашувидан келиб чиққан ҳолда 861 та сайлов участкаси тузилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 17 сентябрдаги қарорининг олтинчи бандига кўра, белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари (кейинчалик участка сайлов комиссиялари ҳам) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига; халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов учун ягона бўлиши эътиборга олиниб, Тошкент вилоятида тузилган 861 та сайлов участкаси Парламентнинг қуйи палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов учун ягона ҳисобланиши белгиланди. Вилоят сайлов комиссияси томонидан сайлов участкаларининг тартиб рақами, чегараси эндиликда шакллантириладиган участка сайлов комиссияларининг жойлашув манзилларини кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда чоп этилиши белгиланди.



ЙЎЛИ РАВОН БЎЛСА ҲОРИМАС ИНСОН

Паркент тумани йўл хўжалиги таъмир-фойдаланиш пудрат корхонаси автокран ҳайдовчиси Зайниддин Абдурасулов қирқ йиллик иш тажрибасига эга. У ўтган йиллар мобайнида қанчадан-қанча йўлларни босиб ўтмади дейсиз?! Агар шу километрлар бирлаштирилса, ер юзини бир неча марта айланиб чиқиш мумкин бўлар, эҳтимол.

– Юк ташиш машинасини, устига-устак автокранни бошқариш катта масъулият, – дейди Зайниддин Абдурасулов. – Ҳайдовчи қурилиш майдончасида бир қанча жиҳатларга эътибор бериши керак бўлади. Ишчиларга қулай ва хавфсиз бўлиши учун машинани тўғри жойга қўйиш, юкни жойлаштираётганда электр линияси бор-йўқлигига эътибор бериши керак.

Ўтган йиллар давомида З. Абдурасулов Паркент туманидаги барча йирик бино ва иншоотлар қурилишида жонбозлик кўрсатди. Унинг ёрдами билан туманнинг марказий магистраль ва ички йўллари равон бўлмоқда ва узоқ муддат соз ҳолатда сақланяпти. Унинг ҳалол меҳнати мамлакат Президентининг Фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

– Тўғрисини айтсам, меҳнатларим бу даражада юксак баҳоланишини кутмагандим, – дейди Зайниддин Абдурасулов. – Агар ёшим инобатга олинмаганида, ҳали кўп йиллар автокранимни бошқарган бўлардим. Лекин ёшларга йўл бериб, уларга иш тажрибаларимизни ўргатишимиз керак.

Ҳайдовчининг икки ўғли ота йўлини давом эттиришди. Ҳозир улар ҳам моҳир ҳайдовчи. Демак, бу оила мудом эл хизматида бўлади.

Ҳурриятт МЎМИНОВА.

СУРАТДА: Зайниддин Абдурасулов ишдан келиши билан неваралари даврасида бўлади.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

МАЛАКАЛИ ҲАМШИРАЛАР КЎПАЯДИ

Ҳамширалар фаолиятида касбий таълимни ривожлантириш, амалий кўникмаларни бойитишда "Саломатлик – 2" ҳамда "Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш" қўшма лойиҳалари муҳим йўриқнома бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган патронаж ҳамширалари малакасини ошириш бўйича уюштирилган республика анжуманида ҳам шу йўналишда самарадорликка эришишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Али АКБАРОВ.

Депутат ва ҳаёт

САРҲИСОБ ПАЙТИДА ҚИЗАРМАСАК БАС

дейди Ўзбекистон тадбиркорлик ҳаракати либерал-демократик партияси Оҳангарон шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси раиси Шавкат Комилов

Жамият ҳаётида ғоят муҳим сиёсий кампания – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тобора яқинлашмоқда. Маълумки, бугун мамлакатимизда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими амал қилаётир. Фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этишларини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароитлар, уларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолатлари яратилди.

– Сайлов – фуқароларнинг энг асосий Конституцион ҳуқуқларидан биридир, – дейди суҳбатдошимиз. – Бу ҳуқуқлардан фуқароларнинг оқилона фойдаланиши натижасида шаҳримиз, маҳалламиз, қолаверса, ўз оилаларимиз ободлиги, бахту саодати, турмуш фаровонлиги тобора тўлиқ таъминланмоқда.

Сайловларда барчамиз, аввало сайловчи сифатида иштирок этамиз. Биз сайлаган депутат халқнинг давлат бошқарувидаги вакили ҳисобланади. Ўз номи билан халқ вакили ҳеч бўлмаганда ўз округи доирасидаги муаммоларни ечишда, ободонлаштиришда, атроф-муҳит тозалигига ҳисса қўшишда изланувчан, интилувчан, ташаббускор бўлиши керак. Бунинг учун сиёсий партиялар номзод танлашда адашмасликлари зарур. Зеро, номзод сайловларда ғалаба қозониб, депутат бўлиб сайланса-ю, бироқ депутатлик ваколатидан тўғри фойдалана олмаса, ҳатто нима иш билан шуғулланиши, айтайлик, қайси комиссия таркибига киришини билмаса, бу депутатлик шаънига доғ бўлиб тушади.

Депутатликка номзодларни, аввало, халқимиз ичидан, уларнинг оғир-енгилини биладиган, керак бўлса, бир маҳаллада яшайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам ҳозиру нозир бўлиб турадиган, бирон-бир муаммонинг ечими бўйича керакли муассасага мурожаат қила оладиган, қолаверса, замонга мос, илғор фикрли, ақл-заковатли, инсоф-диёнатли, тадбиркор ва ташаббускор, ҳақиқий ишбилармон раҳбар ва ходимлар орасидан саралаб олинишига эътибор берсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

– Шавкат Эсонович, газетхонларимизга ўзингизни таништирсангиз.

– 1972 йили Бўка туманида туғилганман. Ҳозир Оҳангарон шаҳрида яшайман. Икки фарзандим камол топяпти. Ўзим тадбиркорлик билан шуғулланаман. "Гули-Лола" хусусий кичик корхонаси, "DOKTOR HOJI" хусусий даволаниш маскани, "Қурилиш" дўкони, "Болалар дунёси" супермаркети таъсисчисиман. "Илоқ" маҳалласи фуқаролар йиғини раисиман.

– Либерал-демократик партиянинг ўзингиз етакчилик қилаётган Оҳангарон шаҳар кенгаши фаолиятини қандай баҳолайсиз?

– Шаҳримизда 17 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз сафларига шаҳримизнинг ишбилармон ва тадбиркорлари, тадбиркорлик субъектлари ишчи-хизматчилари, аҳолининг бошқа қатламлари вакилларидан 475 кишини бирлаштирган. Партия ташкилотимиз халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги ўринларнинг 36 фоизига эга. Бу бизга "Адолат" ва "Миллий тикланиш" партияларидан сайланган депутатлар билан бирлашиб, кучли депутатлик блокини ташкил этиш имконини берди.

Ўтган йилги маҳалла фуқаролар йиғини раислари сайловида партиямиз таклиф қилган номзодлар 20 маҳалланинг ярмида ғалаба қозонганлиги ҳисобга олинса, Либерал-демократик партиянинг шаҳримиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни қанчалик салмоқли эканлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Эндиликда маҳаллаларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ва амалий ишларимиз партия ташкилотларимиз сафларини янада мустаҳкамлаб, дастур ва ғояларимизни ҳаётга татбиқ этишда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча ютуқларимиз чинакам фидойи инсонлар саъй-ҳаракатлари натижаси бўлиб, шу асосда ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар, турмуш фаровонлиги, маҳаллаларимизнинг ободлиги ва ижтимоий-иқтисодий равнақи таъминланмоқда.

Шаҳримизда тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ўсишга эришиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда Исмоил Исматов, Салим Жўраев, Ойбек Мирзаев, Абдуҳамид Сатторов, Акмал Орипов сингари партия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутмоқда. Улар шаҳар фаоллар йиғинларида, халқ депутатлари шаҳар кенгашининг сессияларида долзарб таклифларни илгари суриб, бир қатор масалаларни ҳал этишга доир амалий таклифлар билан чиқмоқдалар.

– Шу ўринда партия ташкилотингиз олдинги сайловда халқ депутатлари шаҳар кенгашига номзодларини кўрсатган кишиларнинг фаолиятига батафсилроқ тўхталсангиз.

– Ҳозиргина айтганимдек, олдинги сайловда партиямиз шаҳар кенгашида ўн депутатлик ўрнини эгаллашга муваффақ бўлган эди. Ўзим шаҳар кенгаши депутатлигига иккинчи марта сайландим. Биринчи сессияда кенгашнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия раислигига тасдиқландим.

Ўтган муддатда доимий комиссия ЛДПдан сайланган депутатларимизнинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари билан шаҳримизни ободонлаштириш, тадбиркорлар фаолият доирасини кенгайтириш, иш билан бандлик масалалари изчил ҳал этишга ҳисса қўшиб келди. Чунончи, депутатлар шаҳарни маиший чиқиндилардан тозалашга доир таклиф билан чиқишди. Бу масалани чуқур ўрганиб, доимий комиссияда кўрдик. Уни амалда ҳал этиш жараёнида тўртта янги иш ўрни очилди. Бу ходимлар кўча ва майдонларни ҳар турли чиқиндилардан тозалашга киришишди. Натижада атроф-муҳит мусаффолигига эришилди, шаҳримизнинг санитария-гигиена ҳолати яхшиланиб бормоқда. Кўчалар ва майдонлар гулзорга айланди. "Илоқ" маҳалласида бошланган бу ҳаракат депутатларимизнинг ташкилотчилиги туфайли бошқа ҳудудларга ҳам ёйилди.

Депутатларимиз бу билан кифояланишмади. Биз Оҳангаронни яна ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни тадбиркорлар оталиғига олиш ташаббуси билан чиқдик. Қаровсиз майдонлар, кўчалар ҳисобга олиниб, бажариладиган иш кўламлари белгиланди. Албатта, бу қисқа муддатли иш эмас, белгиланган режаларни амалга ошириш ҳийла маблағ ва бошқа моддий воситаларни тақозо этади. Шу боис тадбиркорларимиз бу иш билан жиддий шуғулланиш ниятидалар.

Бу режалар кўламини тасаввур этиш учун биргина "Илоқ" маҳалласида амалга оширилган ишларга назар ташлаш кифоя. Маҳалламизда депутатлар саъй-ҳаракати билан қаровсиз жойларда учта болалар спорт майдончаси барпо этилди.

Шаҳримиздаги 4-кичик даҳанинг бир қисмида электр энергияси бот-бот ўчиб қоларди. Партиямиз фаоли Салим Жўраев депутатлик гуруҳига шу муаммони ҳал этиш юзасидан ёзма мурожаат киритди. Комиссиямиз уни кўриб чиқиб, барча сабабларни ўрганди ва муаммони ҳал этишга киришдик.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

МАВЗУЛАРНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Шаҳар ва туман газеталари муҳаррирлари ўқувлари анъанавий тус олиб, маҳаллий нашрларда тўпланаётган тажрибаларни кенг ёйиш, оммавий ахборотнинг бу муҳим воситаси савиясини кўтариш, газета чиқишларининг таъсирчанлигини ошириш, таҳририятларнинг молиявий иқтисодий аҳволини яхшилашга хизмат қилмоқда. Навбатдаги шундай ўқув машғулоти Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Ў "Чирчиқ тонги" ва "Чирчиқ" газеталари таҳлилига бағишланди.

Шаҳар ҳокими Шукрулла Бобоев Чирчиқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақида гапириб берди. Ҳоким бу жараёнда матбуот, хусусан шаҳар газеталарининг ролига алоҳида тўхталди, журналистлар эътиборини ҳаётга чуқурроқ кириб бориш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни атрофлича таҳлил қилиш асосида ибратли тажриба ва ҳаракатларни кенг оммалаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бериш, асосли танқидий чиқишларни фаоллаштириш масалаларига қаратди.

Шаҳардаги ҳар икки газетанинг чиқишлари таҳлил қилинар экан, анжуман иштирокчилари бу таҳририятларда ижодий изланиш иштиёқи кучайиб бораётганлигини таъкидлашди.

– Газеталарнинг саҳифаларида пайдо бўлаётган янги-янги рукнлар, ўқувчиларда фикр-мулоҳаза уйғотувчи мақолалар кўпайиб бораётганлиги бунинг далилидир, – дейишди сўзга чиққанлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига бўлажак сайловлар арафасида эришилаётган ютуқларга эътиборни кучайтириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳар ҳаёти ва коммунал хизмат соҳалари, тадбиркорлик ҳаракатини кенг ёритиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ўқув машғулоти ўзаро қизғин фикр олишув руҳида ўтди.

СУРАТДА: муҳаррирлар суҳбатда.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

2010 обуна йил учун бошланди
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.

Мавзуга қайтиб

ЎН ГЕКТАР ЕР МАШМАШАСИ

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 8 сентябрь сонида "Ғалвасойнинг ғалвали гектарлари" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги, хусусан, унинг ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлими раҳбарларининг ўз вазифаларини бажаришга бирёқлама ёндашуви, умуман, амалий фаолиятда қонун талабларидан четга чиқишлар, суиистеъмолчиликлар туфайли "Алғабас" фермер хўжалиги билан "Қўрғон" агрофирмаси ўртасида юзага келган зиддиятли вазият, қонунбузилиш ҳолатлари очиб берилган эди.

Шу ўринда, ҳурматли газетхон, аслида воқеалар қандай ривожланганлигини қисқача эслатиб ўтмоқчимиз. 1997 йили туман ҳокимлигининг 672-қарори билан чорвачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган "Алғабас" фермер хўжалиги ташкил этилди. Унга Ғалвасойдаги давлат захира ерларидан 147 гектар майдон ажратилди. Лекин кейинчалик аниқланишича, ер майдони қарорда белгиланганидан 32 гектар кам бўлиб чиқди. Фермер ер майдонини қарорда кўрсатилган миқдорга етказиб беришни сўраб, аввало, туман ҳокимлигига мурожаат қилди. Бироқ, унинг мурожаатномаларини ҳокимлик билан туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлимидаги мутасаддилар "коптоқ" қилиб ўйнашдан нари ўтишмади.

2002 йили ўтказилган ер майдонлари йўқламаси чоғида ер тузувчилар йўл қўйган бу камчилик юзага яққол қалқиб чиқди. Шундан кейин фермер яна айнан шу идоралар эшигини қоқа бошлади. Аммо масъуллар ҳақиқатни ойдинлаштириш, ўша 32 гектар ер камомадини тўлдиришни хаёлларига ҳам келтиришмади.

(Давоми 2-, 3-бетларда).

ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказда Европа Иттифоқининг Темпус лойиҳалари доирасида ўқув дастурлари ва курсларини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш маркази, Давлат тест маркази вакиллари, мамлакатимиз олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва профессорлари, миллий экспертлар жамоаси аъзолари, айрим олий ўқув юртларида амалга оширилаётган лойиҳалар мувофиқлаштирувчилари иштирок этди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Темпус дастурининг муҳим жиҳатларидан бири олий таълим тизимини такомиллаштириш, жумладан, унинг таркибий қисмларидан бири - аниқ фанлар, технологиялар, менежмент, бизнес ва бошқа йўналишларда ўқув дастурлари ҳамда курсларни ишлаб чиқишда олий ўқув юртлари, профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларга кўмаклашишдан иборатдир.

Тадбир давомида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича жорий этилаётган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳамда тугалланган лойиҳаларнинг натижалари муҳокама этилди.

ЎзА.

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Бугун Чиноз тумани Эски Тошкент қишлоғи Амир Темур маҳалласида яшовчи аҳолининг қувончи чексиз. Энди қишнинг совуғи уларга ташвиш туғдирмайди. Чунки вилоят "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси ҳамда туман газ идораси ташаббуси билан бу ерга 5,5 километр узунликдаги янги газ қувурлари тортилди. Юқори босимли газ қувурларини келтириш учун 420 миллион сўм сарфланди. Натижада 2,5 минг аҳоли табиий газдан бемалол фойдалана бошлади.

ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Олмазор қишлоғи «Боғбон» маҳалласига ўрта босимли 600 метр узунликдаги газ қувурининг ётқизилиши ҳомийларнинг навбатдаги хайрли иши бўлди. Бундан ташқари, «Янги ҳаёт», «Дўстлик» маҳаллаларидаги жами 3 километрдан зиёд газ қувурларининг реконструкция қилиниши газ таъминотидаги узилишларга чек қўйди.

Туркистон қишлоғи Алишер Навоий маҳалласида 2 километр узунликдаги қувурлар мукаммал таъмирланди. Бу ишларга 118 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Иттифоқ қишлоғи «Янгиобод» маҳалласида 1,8 километр, Чиноз марказидаги «Оқ олтин» маҳалласида 1,8 километр, С. Зуннунова маҳалласида 0,5 километр узунликдаги газ қувурлари тартибга келтирилди. Бу ишларга 309 миллион сўм жалб этилди.

– Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўнгилдагидек, – дейди туман газ таъминоти идораси етакчи мутахассиси Қўчқор Телебоев. – Туманда жами 400 та газ тақсимлаш нуқталари тафтиш қилинди. 111,8 километр узунликдаги газ қувурларининг зичлиги синовдан ўтказилди, яна шунчаси ҳаво билан тозаланди. 11 километр қувурлар асбоб ёрдамида текширилди. 12,5 километр узунликдаги қувурлар бўялди. Дудбуронларнинг созлиги бўйича 7438 та далолатнома тузилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

СУРАТДА: бугун чилангар Таваккал Эминов ва уста Тоҳир Тожибоевнинг бажарадиган юмушлари талайгина.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҚЎЛИНГИЗДАГИ ЯНГИ УЙ КАЛИТИ

Аввал хабар қилганимиздек, Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида уч кун давомида Қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган минтақавий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Қатор ташкилотлар қаторида вилоят "Қишлоққурилишинвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ҳам мазкур кўргазмани юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказишда ташаббус кўрсатди. Уч кун давомида бу компания келгусида бунёдкорлик соҳасига қўшажак ҳиссаси ҳамда ўз фаолияти билан ташриф буюрувчиларни яқиндан таништирди. Аҳамиятлиси шундаки, кўпчилик компания фаолиятига қизиқиш билан қаради. Улар компания мутахассисларига ўзларини қизиқтирган саволларни беришди. Биз ҳам унинг фаолияти билан газетхонларни яқиндан таништиришни мақсад қилдик.

Таъкидлаш жоизки, кундан-кунга қишлоқларимиз қиёфаси янгиланиб, чирой очиб бормоқда. Қад ростлаётган бир-биридан муҳташам бинолар қишлоқлар кўркига кўрк бағишлаяпти. Энди пастқам, деворлари лойсувоқ уйлар янгиланиб бораётган қишлоқ манзарасига мос келмай қолди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори айни муддао бўлди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Қишлоққурилишбанк" акциядорлик тижорат банки қошида "Қишлоққурилишинвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда компаниянинг филиаллари очилди. Бундан кўзланган мақсад, мазкур қарор ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режа ва архитектура талабларига биноан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши қўламини кенгайтириш ҳамда шу асосда қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини тубдан яхшилашдир.

– Компаниямиз уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш, ажратилган ер массивлари, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ва тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлайди, – дейди "Қишлоққурилишинвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси вилоят филиали директори вазифасини бажарувчи Азизхон Саидов. – Қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги уй-жойлар ва бошқа объектларни "тайёр ҳолда топшириш" шартларида буюртмачи, назоратчи ҳамда молиялаштирувчи вазифаларини бажаришдек муҳим ишимиз ҳам бор. Бундан ташқари, аҳоли буюртмаларига мувофиқ, уй-жойлар ва бошқа объектларни қуриш буюртмаларини амалдаги ва янгитдан ташкил этилаётган пудратчи қурилиш ташкилотларига танлов асосида топширамиз. Кейинчалик "Қишлоққурилишбанк" томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уйларни аҳолига бериш, шунингдек муҳандислик инфратузилмаси, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший аҳамиятдаги объектларни фойдаланувчи ташкилотларга топшириш ҳам фаолиятимизга киради.

Компаниянинг вилоят филиали дастлабки ишларни бошлаб юборди. 2009-2010 йилларда Янгийўл, Бўка ҳамда Чиноз туманларида 140 та уй-жой қуриш белгиланган. Шундан бу йил 60 таси декабргача қурилиб, ўз эгаларига топширилади. Шу кунгача филиал ва банкнинг масъул ходимлари иштирокида жойларга чиқилиб, ер массивлари танланди. Янгийўл туманининг Ортиқов қишлоқ фуқаролар йиғини «Дўстлик» маҳалласида 5 гектар, Чиноз тумани Чиноз қишлоғи «Чорвадор» маҳалласида 3 гектар ҳамда Бўка тумани Чиғатой қишлоғи «Жағалбойли» маҳалласида 9 гектар ер ҳокимликлар томонидан ажратилди. Ҳозир туманларда топономик съёмка ва ажратилган ерларни геологик ўрганиш хулосаларини олиш, меъморчилик-лойиҳалаш топшириқлари, муҳандислик коммуникацияларига уланиш учун зарур бўлган техник шартларни тайёрлаш ишлари давом этмоқда.

– Қишлоқ жойларида 3 хонадан бошлаб 7 хонагача бўлган 1 ва 2 қаватли уйлар қурилади, – дея фикрини давом эттирди Азизхон Саидов. – Уйларнинг лойиҳаси "Қишлоққурилишлойиҳа" масъулияти чекланган жамияти томонидан мукаммал ишлаб чиқилган. Лойиҳага кўра, бу уйларда яшаш учун барча шарт-шароитлар инобатга олинган. Иситиш тизими, автомобиль учун махсус жой ҳам эътибордан четда қолмаган. Уйларнинг қурилиши якунланиб, эгаларига калити топширилгандан сўнг улар ўша куниёқ кириб яшашлари мумкин бўлади.

А. Саидовнинг айтишича, уйларни қуришда асосан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларидан фойдаланилади. Уйларнинг сифати, ранги, кўриниши ҳамда дизайни замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Қурилиш муддати икки ойдан ошмайди.

Яна бир гап. Имтиёзли ипотека кредитлари олиш истагида бўлган фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида банк томонидан махсус "Қурилишга сармоя" омонат тури жорий қилинган бўлиб, фуқаролардан маблағлар қабул қилинмоқда.

Хуршида НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Депутат ва ҳаёт

САРҲИСОБ ПАЙТИДА ҚИЗАРМАСАК БАС

Йўл-йўлакай "Янгиобод" маҳалласидаги 60 хонадонда ҳам электр таъминотидаги узилиш ҳолатлари бартараф этилди.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашишлар қонун билан тақиқланади. Лекин бундай аралашувлар катта амалдорлар томонидан содир этилса-чи? Масалан, шаҳримизда шундай ҳолат юз берди. Табиийки, доимий комиссиямиз бундай аралашувнинг олдини олди, шаҳар ҳокимига дарҳол депутатлик сўровномаси киритилди. Партиямиздан шаҳар кенгашига сайланган депутатларимиз фаоллиги, қатъиятлилигига доир бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссия аъзоси Салим Жўраев "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун шаҳримиздаги ташкилот ва бошқарув идоралари томонидан қандай бажарилаётганлигини атрофлича ўрганди. Пировардида шаҳар раҳбарлари ва фаоллари даврасида шу хусусда катта маъруза билан чиқди. Бир томондан бу бошқа депутатларнинг фаоллашишига ҳам туртки бўлди.

Бундай ютуқларни янада кўпайтириш мумкин. Лекин бунинг учун барча депутатлар ўз ваколатлари доирасида қатъиятлик билан иш олиб боришлари керак. Бугун шаҳримиз аҳолиси номзодлари ЛДПдан кўрсатилган Ўрозали Шодиев, Абдуғани Сатторов сингари депутатларнинг номларини яхши билишади. Лекин депутатлик гувоҳномасини қўлга киритиб, ўз сайловчилари олдидаги масъулиятини унутиб юборганлар ҳам йўқ эмас.

Шу боис шаҳар партия ташкилотимиз ҳозир III чақириқ халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлигига номзодларнинг маънавий-ахлоқий ва ишчанлик фазилатларини чуқур, атрофлича ўрганмоқда. Шу мақсадда партия аъзолари ўртасида сўровномалар тарқатиб, олинган жавобларни таҳлил қилаётирмиз. Сайловга тайёргарлик жараёнида шаҳар иқтисодиётини юксалтиришга, касаначиликни ривожлантиришга, муқим иш ўринларини кенгайтиришга қаратилган истиқболли ҳаракат режаларини аниқлаб олмоқдамиз. Савдо, хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш диққат марказимизда турибди. Мақсадимиз битта – Буюк ипак йўли устида жойлашган шаҳримиз обод бўлсин, аҳолига, йўловчи ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш маданияти жаҳон андозаларига яқинлашиб борсин. Шунда шаҳримиз янада обод бўлади, халқимизнинг турмуш даражаси барқарор юксалиб боради.

Жўрабек МУРОДОВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЪЛОН!

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА

Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси IV чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Ун (1- ва 2-навлар)
2. Қолипли нон маҳсулоти (1-нав ундан тайёрланган)
3. Қотган нон
4. Тухум
5. Картошка
6. Ҳўл мевалар
7. Сосиска ва сорделька маҳсулотлари
8. Помидор, бодринг ва кўкатлар
9. Саримсоқ
10. Қуритилган мевалар
11. Хамиртуруш
12. Хашак, somon, тариқ.

Таклифлар 2009 йилнинг 1 ноябрига қадар қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун тел.: 233-75-11, 236-15-51.

Манзил: Тошкент ш., А. Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт бошқармаси.

ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Инновация – 2009" халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Навоий кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, тадқиқотчилар, саноатчилар, тадбиркорлар билан бирга Жабуний Корея, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон сингари мамлакатлардан вакиллар иштирок этди.

Икки кун давом этган анжуманда иқтисод, энергетика, кон-металлургия, ахборот хавфсизлиги масалалари, экология каби соҳаларда инновацион технологияларни қўллаш самараларига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш билан боғлиқ долзарб вазифалар, мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти тармоқларида қўлланилаётган инновацион технологиялар, илм-фанимизнинг истиқболлари ва халқаро алоқалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

Мавзуга қайтиб

ЎН ГЕКТАР ЕР

Шундан кейин фермер ёрдам сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Лекин туман ҳокимлигида бу нуфузли идоранинг фермер хўжалигига кам чиққан 32 гектар майдонни қўшиб бериш, ўтган йиллар мобайнида чорва моллари кўпайганлиги боис қўшимча ер майдонлари ажратиш хусусидаги тақдимномасини ҳам инобатга олишмади.

Бу орада туман ер ресурслари ва кадастр хизмати бўлимининг бошлиғи бир неча бор алмашди. Унинг янги раҳбари Фарҳод Ўсаров ҳам собиқ раҳбар Равшан Тўлаганов таъсиридан қутула олмади. Ўша кезлари қўшни "Қўрғон" агрофирмаси ҳам ўз чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартириб, "Алғабас" фермер хўжалигига тегишли 10 гектар ер майдонини эгаллаб олди.

Ҳолбуки, "Алғабас" фермер хўжалигига нисбатан "Қўрғон" агрофирмасининг ўзбошимчаликларига йўл очиб берган ҳам айнан Равшан Тўлагановнинг ўзи эди. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошқармасининг ўша кезлардаги бошлиғи Абдуҳамид Абдужалиловнинг вилоят прокуратурасига ёзган маълумотномаси бундай даъво учун етарли асос беради. Унда алоҳида уқтириб ўтилганидек, 2006 йил 16 апрелда туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Равшан Тўлаганов томонидан тузилган далолатномада чегара ноаниқ ва амалдаги ҳолатга зид белгиланган. Унинг ҳайбаракаллачилиги ва қўллабқувватлаши оқибатида 2007 йил 17 сентябрда топо-геодезик ишларни бажариш жараёнида масалага тааллуқли нуқталар нотўғри кўрсатилган.

Буни кейинчалик марказий аэрогеодезия корхонаси раҳбарлари ҳам тасдиқлашди, мазкур "хулоса" "Қўрғон" билан "Алғабас" чегарасини аниқлашга асос бўла олмаслигини таъкидлашди. Фаолиятидаги ноҳолислик, масъулиятсизлик ва юзакичилиги аниқ бўлгач, Равшан Тўлаганов мазкур фермер хўжаликлари ўртасида чегара низоси келтириб чиқарилганлиги ва уни бартараф этишда йўл қўйилган камчиликлар учун вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошқармаси бошлиғининг 2008 йил 19 июндаги 34-к-сонли буйруғига биноан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган эди. Аммо, кўп ўтмай туман раҳбарияти бу ходимни яна ўз ўрнига қайтарди.

Вилоят "Ермулккадастр" хизмати ер тузиш ва топографияқидирув бўлимининг малакали мутахассисларидан иборат гуруҳи масалани ҳужжатлар ва жойига чиқиб текшириш асосида бу бебошликни фош этувчи тегишли далолатнома тузди. Шунга қарамай масала ҳал бўлмаётганлиги мақолада таҳқид қилинганди.

Орадан роппа-роса икки йил ўтди. Хўш, нима ўзгарди? Ҳокимлик, унинг бўлимлари мақолада баён этилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун бирор амалий қадам қўйишдими?

Аввало, бир ҳолатни таъкидламоқчимиз. "Галвасойнинг ғалвали гектарлари" сарлавҳали мақола эълон қилингач, на Бўстонлиқ туман ҳокимлиги, на прокуратураси ёки ички ишлар бўлими унда кўтарилган масалаларга бирор-бир муносабат билдиришмади. Ҳолбуки, мақолада айни шу бошқарув ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг "Алғабас" фермер хўжалиги муаммоларини бартараф этиш борасидаги фаолиятига жиддий эътирозлар билдирилган эди. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлимининг янги иш бошлаган бошлиғи Фарҳод Ўсаровнинг "Тошкент ҳақиқати" газетасига 2007 йил 20 июнда берган ёзма тушунтиришидаги "шу ҳафтада марза белгилари координатларини жойида аниқлаб белгилаб бериш режалаштирилган. Ишлар ниҳоясига етказилганидан сўнг қўшимча маълумот берилади", деган ваъдаси ҳам икки ярим йилдан буён муаллақ осилиб ётибди.

Аслини олганда, икки хўжалик субъекти ўртасидаги 10 гектар ер майдони можаросини туман ҳокимлигининг уларга ер ажратиш тўғрисидаги қарорларига илова қилинган асл чизмаларни ёнма-ён қўйиб кўриб, аллақачон ҳал қилиш мумкин эди. Бу орада, юқорида таъкидлаганимиздек, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошқармаси мутахассислари ҳам хўжаликлар оралиғидаги чегарани аниқ-тиниқ белгилаб, тегишли далолатнома тузишди. Унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаб, Фарҳод Ўсаров ҳам имзо чеккан. Демак, муаммони ортиқча оворагарчиликларсиз ҳал этиш учун қонуний асослар етарли эди.

Бироқ, Фарҳод Ўсаров газета таҳририятига йўллаган тушунтириш хатида ёзганидек, "ушбу чегарага "Қўрғон" агрофирмаси эътироз билдирди".

Шу-шу муаммо яна ҳам чигаллашиб кетди.

Газетада мақола эълон қилингач, "Қўрғон" агрофирмаси раҳбари Карим Қўрғонов "Тошкент ҳақиқати" ва "Халқ сўзи" газеталарига мурожаат қилиб, "Вилоят газетаси "Галвасойнинг ғалвали гектарлари" мақоласида мени ноҳақ таҳқид қилди. Мухбир аввало келиб менгаям учрашиши керак эмасмиди? У эса, фақат Холмат Дуйсеновнинг гапига ишониб, мени вилоятнинг 2,5 миллионлик аҳолисига шарманда қилди", – деб ёзди.

Ҳолбуки, "Алғабас" фермер хўжалиги раҳбарининг "Тошкент ҳақиқати"га ёзган шикоят хатини ўрганиш чоғида, мухбир аввало, туманнинг ўша кезлардаги ҳокими билан батафсил суҳбатлашган, унинг топшириғи билан бу иш холис ўрганилишига ёрдам бериш юклатилган фермер хўжаликлари уюшмаси раиси билан биргаликда ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлимида бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан танишган, "Қўрғон" агрофирмаси раҳбари Карим Қўрғонов билан шу идорада суҳбатлашганди.

Мухбир Карим Қўрғоновнинг "чебурекхонаси" – собиқ туман матлубот жамияти бошқарувининг идорасида ҳам бўлиб, унинг тушунтиришларини тингланган. Кейин яна ер ресурслари ва кадастри хизмати бўлимига қайтилиб, қолган ҳужжатлар билан танишилгач, Карим Қўрғонов билан хайрлашганди. Фақат шундан кейингина Фарҳод Ўсаров "Алғабас" фермер хўжалигига қўнғироқ қилгач, Холмат Дуйсеновни суҳбатга таклиф қилганди.

Мана шу ҳолатлардан кўз юмиб, Карим Қўрғонов газета таҳририятларини чалғитишга уринди. Лекин газеталарнинг муҳаррирлари масала суд идораларида қонуний ечим топгунича кутишни мақсадга мувофиқ, деб топишди.

"Қўрғон" агрофирмаси раҳбари Карим Қўрғоновнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари фақат "Алғабас"гагина эмас, балки "JANIBEK AYDOS" фермер хўжалигига нисбатан ҳам содир этилган, "Тошкент ҳақиқати" ўша мақолада бу хусусда ҳам ёзганди. Вилоят "Ермулккадастр" хизмати ўшанда адолатни қарор топтирган, у ноқонуний эгаллаб олган 8 гектар боғни асл эгасига қайтарганди.

Газетада мақола эълон қилингач, яна бир воқеа юз берди. Бўстонлиқ туман ҳокимлиги "JANIBEK AYDOS" фермер хўжалигига нисбатан ерни узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва ерни қайтариб олиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Унда фермер хўжалиги томонидан боғ учун 2,7 миллион сўм миқдоридаги ижара тўлови тўла тўланмаганлиги, пилла топшириш мажбурияти бажарилмаганлиги важ қилиб кўрсатилди. Суд жараёнида фермер хўжалиги бирламчи тўловни вақтида тўла амалга оширгани, 2007 йилги пилла топшириш шартномаси тўлиқ бажарилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиб, туман ҳокимлигининг даъво аризаси асоссиз эканлигини исботлади, суддан уни рад этишни сўради. Масалани қонунан кўриб чиқиб, вилоят хўжалик суди Бўстонлиқ туман ҳокимлигининг даъво талабини қондирмаслик, Бўстонлиқ туман ҳокимлигидан 155 минг 250 сўм миқдорида давлат божи ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Бўстонлиқ туман ҳокимлиги, бошқа маҳаллий идоралар учун бу воқеа сабоқ бўлиши, улар аввало, ўз қарорлари тўла бажарилиши, келиб чиқаётган муаммолар вақтида, холисона, қонун йўли билан ҳал этилишига эришиш учун ҳаракат бошлашлари керак эди. Афсуски, на газета чиқиши, на хўжалик судининг қонуний ҳукми туман раҳбарларини сергаклантирмади, огоҳ торттирмади.

Тўғри, "Галвасойнинг ғалвали гектарлари" мақоласи эълон қилингач, туман ҳокимлиги "Алғабас" фермер хўжалигига ўн йил илгари, дастлабки ер ажратиш чоғида кам ўлчаб берилган 32 гектар майдонни ажратиш хусусида 2007 йил 28 декабрда 1079-сонли алоҳида қарор чиқарди. Бу ўринда ҳам Фарҳод Ўсаров ишни пайсалга сола-сола, Холмат Дуйсеновнинг талабчанлиги, таҳририятдан бўлган қўнғироқлар натижасида охир-оқибат қарорни бажаришга, унда кўрсатилган ер майдонини ўлчаб, ажратиб беришга мажбур бўлди.

Айни шу Фарҳод Ўсаров бу жараёнда ҳам найрангбозлик қилди. Ҳоким қароридаги 9,1 гектарлик 562-контур "Қўрғоновга тегишли экан" деб, шу майдонни "Алғабас"га ажратиб бергизмади. Ўз-ўзидан савол туғилади: "Ҳоким қарорини тайёрлашда бевосита иштирок этган туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлими мутахассислари эътиборсизлиги шунчаликми? Ҳоким қарорини тайёрлашга шунчалик енгил-елпи ёндошишадими?! Ахир, 32 гектар майдонни ажратиб бериш ҳақида 2007 йил 10 декабрда тузилган далолатномага Фарҳод Ўсаровнинг ўзи ҳам имзо қўйган эди-ку?

Нима бўлганда ҳам, "Қўрғон" агрофирмаси ўн йилдан буён ноқонуний равишда эгаллаб, фойдаланиб келаётган 10 гектар майдон "ос-ос" бўлиб қолаверди.

Масала туман мутасадди идоралари томонидан қонун ва тегишли қарорларга мувофиқ холисона ҳал этилмагач, "Алғабас" фермер хўжалиги 2008 йилнинг бошларида "Қўрғон" агрофирмасидан 10 гектар ерни қайтариб олиш ва ўтган йиллар мобайнида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига мурожаат қилди. Суд бу ишни 10 апрель куни кўриб чиқиб, даъво аризасини тўлиқ рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Ўз даъвоси судда холисона кўриб чиқилмагач, Холмат Дуйсенов ҳуқуқий ёрдам сўраб, вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилди. Бу идорада арзчи тақдим этган ҳужжатларни ҳар жиҳатдан ўрганишди, юз берган ҳолатлар туманга, жойига чиқиб текширилди. Ниҳоят, 2008 йилнинг 16 июнида вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр Хўжаев вилоят хўжалик судининг апелляция судлов ҳайъатига апелляция протести киритиб, моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларига зид равишда чиқарилгани учун бир қатор асосларга биноан вилоят хўжалик судининг 10 апрелдаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўради.

Чунончи, суд даъвогарнинг қўлида бўлган "Алғабас" фермер хўжалиги билан ернинг аввалги эгаси – ширкат хўжалиги ўртасида тузилган ер ижара шартномасини ва унга илова қилинган чизмани ўрганиб, ҳуқуқий баҳо бермаганди. Қолаверса, суд вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошқармасининг дало-

(Давоми. Боши 1-бетда).

КАТТА ХИРМОНГА ЗАМИН

Фермерлик шундай касбки, буни ихтиёр этганларнинг қишин-ёзин тиними бўлмайди. "Қиш – бекорчилик", деган гапнинг уларга алоқаси йўқ. Экин-тикинлар саранжомлаб олингач, техникани тартибга келтириш масаласи кун тартибига чиқади. Уларни таъмирлаб, мойлаб, кўкламги дала ишларига соз ҳолга келтириб қўйиш керак.

Фақат бу эмас. Ҳаракатчан фермер кузги буғдой парваришини қишда ҳам бўшаштирмайди. Негаки, ғалла хирмони залворли бўлиши учун буғдой майсаси қаттиқ совуқ кунлар бошлангунча, дуркун ривожланиб, қалин туплаб, мустаҳкам илдиз отиши лозим.

Оққўрғонлик фермер Ислом Турсунбоев шу тартибга амал қилади. Шунинг учун беистисно, ҳар йили ғалладан 50 центнердан ошириб ҳосил олади. Масалан, бу йил 68 гектар майдонда 374 тонна дон етиштирилди. Ҳосилдорлик 55 центнердан тўғри келди. Давлатга 194 тонна ғалла топширилиб, шартнома ортиғи билан бажарилди. Ўзларига қолган 180 тонна буғдойнинг асосий қисми аъзоларга тақсимланди. Бундан ташқари 15 миллион сўм фойда кўрилди.

"Т. Ислом" фермер хўжалиги кузги ғалла экишда одатдагидек пешқадамлик қилди. 55 гектар майдонга "Кума" навли синалган буғдой уруғи 5 кунда экилиб, 13 октябрда якунланган эди. Ҳозир қалин униб чиққан майсалар ер бетини қоплади. Бир марта сув ичган буғдой қалин туплаяпти.

СУРАТДА: иш юритувчи Шаҳром Турсунбоев (ўртада) мутахассислар билан экиннинг ҳолати хусусида суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ

Жанубий Кореянинг "ДЭУ Телеком" компанияси ҳамкорлигида кўплаб рақамли телефон станциялари қурилмоқда.

Олмалиқ шаҳрида рақамли радиорелели алоқа линияси ишга тушди.

"ДЭУ" компанияси электрон автомат телефон станциясининг дастлабки мажмуасини ўрнатишга ҳам муваффақ бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

Соғлом она – соғлом бола

«БЕШИККЕРТТИ»

– Қизим, биласан, ёшлигингда сени амакингнинг ўғли Аброр билан бешиккертти қилганмиз, – деди ўқишдан келган Латофатга аммаси. – Ҳозир даданларнинг розилигини олиб кетишди, бирор ҳафтадан сўнг тўй кунини белгилашга келишади. Худо хоҳласа буёғи тўй.

Бу гаплардан ҳангу манг бўлган Латофат турган жойида тошдай қотди.

– Ахир... амма у менинг акам-ку? Қандай қилиб? Нималар деяпсиз? Нега тақдиримни менсиз ҳал қиласизлар, – деди у ва йиғлагунича хонасига кириб кетди.

– Ҳеч қиси йўқ, аввал аканг бўлган бўлса, энди эринг бўлади, – дея жаҳл билан бақирди аммаси. – Асрордай йигитга тегсанг жон де, эслиҳушли, ўқимишли, нимага ноз қиласан?

– Ҳалимахон, балки нотўғри қилаётгандирмиз, – деди Латофатнинг онаси. – Икки ёшнинг фикри билан қизиқиб ҳам кўрмадик. Балки, Аброржоннинг кўнгли бошқададир?

– Янга, нега ундай дейсиз? Қизингизни бегонага узатсангиз яхши бўладими? Бегона қизингизни ўз қизидай кўрармиди? Аброрга тегса, егани олдида, емагани кетида бўлади. Хоҳласа ишлайди, хоҳламаса ишламай, ёнгинангизда ўйнаб кулиб юради, бунинг нимаси ёмон? Ҳаммасидан ҳам қариндошлик йўқолмайди, янга.

– Ҳа майли, охири бахайр бўлсин ишқилиб, – деди она кўнгли нимадандир ғаш бўлиб.

Хуллас, икки ёшнинг тақдири ўзларининг иштирокисиз ҳал бўлди.

Орзиқиб кутилган тўй ҳам ўтди. Ҳамма хурсанд. Аммо хурсандчиликлар узоқ давом этмади. Орадан вақт ўтгани сайин қариндошчилик алоқаларини мустаҳкамлаш учун қурилган никоҳ дарз кета бошлади. Турли келишмовчиликлар, уруш-жанжаллар бошланди. Аввалига ўтган фурсат ичида Латофатнинг бўйида бўлмаётгани оила аъзоларининг дилларини хира қилаётган эди. Устига-устак қайнона ҳам келинини айбдор қила бошлади. "Ўзи бошидан нотўғри қилдик, ўғлимга укангизнинг қизидан бошқа қиз йўқмиди? Ҳаммасига синглингиз сабабчи" каби қайнона-қайнотанинг суҳбатларини бир неча бор эшитган келиннинг юрак-бағри эзиларди. Бу қийноқларни ниҳояси бормикан, дея тунларини кунларга уларди.

"Ошни пиширган" амма жиянини шифокорлару табибларга даволатди. Турли дори-дармонлар билан муолажалар қилинди.

Бир куни ўзида қандайдир ўзгаришларни сезган Латофат ҳомиладор эканини пайқади, янгиликни Аброр акасига етказди.

Энди ҳаммаси ўзгарган, келинни барча ардоқлаб, ортиқча уринтиришмасди. Ҳақиқатдан ҳам қариндошчилик ришталари мустаҳкамланаётгандек эди.

Аброржон фарзандли бўлди-ю, яна дилхиралик бошлади. Кун сайин икки оила муносабати бегоналашиб борди. Чунки, Латофатнинг фарзанди туғма ногирон, оёқ ва қўлларида олти бармоқ билан дунёга келди...

Бундай воқеалар ҳаётимизда учраб туришига сабаб нима? Ўйламай, енгил-елпи ҳою-ҳавасларга берилиш тўғримикан? Нега катталар, ота-оналар, маҳалла идоралари буларга бефарқ? Ахир ёш авлодни бақувват ва баркамол қилиб тарбиялаш бизнинг энг катта мақсадимиз эмасми? Аслида қариндошлик муносабатлари давомийлигини таъминлаш учун қурилаётган бу каби оилалар, уларнинг дарз кетишига сабаб бўлмаяптимикан?

Севара МАВЛОНОВА, Янгийўл шаҳар ФҲДЁ бўлими ходими.

ҚЎШИМЧА ЎҚУВ КОРПУСИ

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури доирасида Тошкент туманидаги 13-умумтаълим мактабида қўшимча ўқув корпуси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Қўшимча бино 80 ўқувчи таълим оладиган синфхоналарга эга. Бу ерда янги спорт зали ҳам очилди.

"Тошқишлоққурилиш" ташкилоти жамоаси куч-ғайрати билан мактабда ўқув-тажриба участкаси ҳам юзага келди.

МАШМАШАСИ

латномаси ҳақиқатга мувофиқ келмаслиги хусусида асоссиз хулоса чиқарганди. Ваҳоланки, 2007 йил 14 апрелдаги ўша далолатномада ҳар икки хўжалик субъектининг чегара ер майдонлари хусусидаги келишмовчиликлар, харитадаги хатоликлар аниқ кўрсатиб берилганди. Суд эса бу ҳолатларни инобатга олмаган. Ҳатто, ушбу далолатномани расмийлаштирган вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати идораси ходимларини ишни кўриб чиқиш жараёнига жалб қилмаган, уларнинг хулосаларини эшитиб, ҳуқуқий баҳо бермаган.

Афсуски, вилоят прокуратурасининг ҳар жиҳатдан асосланиб ёзилган бу апелляция протести "асослар"ни пеш қилиб, эгизак қарорлар қабул қилишдан нари ўтмади. Аксинча, ўн йиллаб бошқалар фойдаланиб келаётган ҳудуд учун ер солиғини бекаму кўст тўлаб келаётган "Алғабас" фермер хўжалигидан 412 минг 325 сўм давлат божи ундириш ҳақида қарор чиқарилди.

Вилоят прокуратураси "Алғабас" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига киритган даъво аризани кўриб чиқиш чоғида ҳам шундай бўлди. Унда жавобгар – "Қўрғон" агрофирмаси вакили мазкур низо 11-0807/2424-хўжалик иши доирасида 2008 йил 14 июлда вилоят хўжалик судида кўриб чиқилганлигини, ўша суднинг ҳал қилув қарори мавжуд вазиятга заррача таъсир кўрсата олмади. Апелляция инстанцияси судининг 2008 йил 14 июлдаги, кейинроқ Ўзбекистон Олий хўжалик суди кассация инстанция судининг 2008 йил 16 сентябрдаги қарорлари билан вилоят хўжалик судининг дастлабки қарори ўзгаришсиз қолдирилди. Бунинг учун энди "Алғабас" фермер хўжалигининг ер ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги асос қилиб олинганди. Ҳолбуки, бу орада – 2008 йил 10 августда Бўстонлиқ туман ҳокимлиги билан "Алғабас" фермер хўжалиги ўртасида ер ижара шартномаси тузилиб, туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлимида рўйхатдан ўтказилганди.

"Қўрғон" агрофирмаси 10 гектар ер майдонини ҳамон ноқонуний эгаллаб, ундан фойдаланиб келаётганлиги учун вилоят прокуратураси 2008 йилнинг 11 ноябрида "Алғабас" фермер хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилиб, иш кассация инстанциясида кўрилгунича Бўстонлиқ туман ҳокимлиги билан "Алғабас" фермер хўжалиги ўртасида ер ижара шартномаси қайта тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги сабабли фермер хўжалиги ўзининг ерини ўзганинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлигига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 38, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал Кодексининг 6 ва 112-моддаларини Қўллаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Лекин бу таъкидлар ҳам хўжалик судига кор қилмади. Бир инстанция бошқа инстанция суди қарорларидаги мавжудлигини пеш қилиб, шунга кўра даъво бўйича иш юритишни тугатишни сўраши масалани ҳал қилди-қўйди. Суд яна узоқ чўзилиб кетган бу зиддиятнинг моҳиятини ўрганишни истамади, вилоят прокуратураси кўрсатган фактлар ва ҳолатларни ўрганишни, холисона фикр юритишни лозим топмади. Яна илгариги қарорлардан кўчирмалар олиб, даъво аризасини рад этиш, почта харажатларини "Алғабас" фермер хўжалигидан ундириш ҳақида навбатдаги ҳал қилув қарорини чиқарди.

Табиийки, вилоят прокуратураси ўз даъволарини асослашда давом этди. Сўнгги ҳал қилув қарорини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, биринчи инстанция суди прокуратуранинг даъво аризасини рад қилиш учун вилоят судининг 11-0807/2424-сонли иш бўйича "Алғабас" фермер хўжалигининг даъво аризаси рад қилинганлиги, илгариги суд қарорлари кучдалигини асос қилиб олган. Ҳолбуки, бу хулосалар ҳеч қандай қонуний асосга эга бўлмай, процессуал ҳуқуқ асосларига ҳам зид эди.

Сабаб?

Сабаб шундан иборатки, олдинги ва кейинги ишлар бўйича даъво талаби ва тарафлар ўзгармагани ҳолда прокуратуранинг сўнгги даъвоси бошқача бўлган. Дастлабки иш бўйича даъвогарнинг даъво аризаси ер ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтмаганлиги сабабли рад қилинганди. Суд ўшанда бошқа бирор-бир ҳолатни асос қилиб кўрсата олмаган, чунки улар аслида ҳам мавжуд бўлмаганди.

Вилоят хўжалик судининг 2009 йил 26 январдаги 11-0829/23781-сонли ишни кўргунича ер ижара шартномаси қонунда белгиланган тартибда тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг бошқа асослар бўйича судга даъво ариза киритилган. Табиийки, бундай ҳолатда суднинг илгариги қарорга асосланиши ноқонуний эди. Бу ўринда икки хўжалик субъекти ўртасидаги низоли масалаларга доир хўжалик ишини кўриб чиққан судьяларнинг даъво аризаларига бир томонлама ёндашуви яққол кўзга ташланади. Масалан, 26 январдаги суд мажлисига раислик қилган судья Н. Худоёров ўзи қабул қилган 11-0829/23781-сонли қарорнинг баён қисмида низоли 10 гектар ер майдони асло 2008 йили ажратиб берилган қўшимча ер таркибида эмаслигини таъкидлайди. Фақат илгариги ҳал қилув қарорлари ҳамон кучда эканлигини асос қилиб олиб, вилоят прокуратурасининг "Алғабас" манфаатини кўзлаб киритган даъво аризасини қаноатлантиришни рад этади. Кейинчалик суд мажлислари ва масалани жойига чиқиб ўрганиш чоғида бундай қўллаб-қувватлашдан руҳ олган "Қўрғон" агрофирмаси вакиллари 10 гектар низоли ер "Алғабас"га қўшимча равишда ажратилган 31 гектар майдонга таллуқли, деб даъво қилишга ўтишди. Қолаверса, кейинги судда ҳам вилоят ер ресурслари бўйича масъул идорасининг далолатномаси асоссиз равишда инобатга олинмади.

Шуларни ҳисобга олиб, вилоят прокуратураси вилоят хўжалик судининг 11-0829/23781-сонли хўжалик иши бўйича 2009 йил 26 январдаги қарорини бекор қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъатига кассация протести киритди. Шундан кейин бу низоли ишни кўриб чиқиш билан вилоят хўжалик судининг судьяси А. Эрдонов шуғуллана бошлади. Шу йилнинг май ойида ўша ғалвали ер майдонларини кўриб, аҳвол билан жойида танишиб чиқиш, одамларнинг фикрини эшитиш мақсадида судья Сирлибостовга ҳам чиқди.

Шундан кейин, 26 майда у хўжалик ишини кўришни кейинга қолдириб, ҳар икки хўжалик субъекти эгаллаб турган ер майдони билан ҳужжатлардаги ер майдони чегарасини аниқлаш ҳақида ажрим чиқарди. Шу мақсадда махсус гуруҳ ҳам ташкил этилди. "Ўздаверлойиҳа" институти бўлим бошлиғи М. Азизов, шу институт муҳандиси А. Шарипов, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошқармаси мутахассиси Ж. Муродов, Бўстонлиқ туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлими бошлиғи Ф. Ўсаровлардан иборат таркибдаги бу гуруҳ "Алғабас" билан "Қўрғон" хўжаликларини ажратиб турувчи чегарани аниқлаб, натижасини расмий идоралар томонидан тасдиқланган далолатнома билан ҳужжатлаштириб, судга тақдим этиши лозим эди. Далолатнома тузилди ҳам. Аммо...

Малакали бу мутахассислар тузган далолатнома (унда мутахассислар на бу "ўрганиш"ни қачон амалга оширишгани, на ушбу "далолатнома" тузилган санани кўрсатишмаган)да географик ўринлар ниҳоятда чалкаштириб юборилган. У "Марказий аэрофотографик корхонасининг топографик харитасидан сканер воситасида нусха олиниб, икки хўжаликнинг хариталари билан чоғиштирилганда "Қўрғон" агрофирмаси билан "Алғабас" фермер хўжалиги чегараси ҳақиқатда Тўққизкўл (Сирлибостов) сойи билан чегараланиши (!) аниқланган"лигидан далолат беради.

Ўша жойларда бўлмаган, маҳаллий ерларни кўрмаган одам учун бу эҳтимол "қонуний" ҳужжат бўлиши мумкин. Бироқ, 10 гектар низоли ер қаерларда ястаниб ётганини, Тўққизкўл сойи билан Сирлибостов сойи алоҳида-алоҳида сойлар эканлигини, Тўққизкўл сойи шу номдаги ўнгирдан оқиб чиқиб, низоли ўша майдондан ҳийла пастда Сирлибостовга қуйилишини билган одамлар учун эса, бу "далолатнома" фақат заҳарханда кулгу қўзғатишдан бошқа нарсага ярамайди.

Ниҳоят, вилоят хўжалик судининг судья А. Эрдонов раислигида, томонларнинг вакиллари, кўпдан-кўп гувоҳлар иштирокида ўтган очиқ суд мажлиси вилоят прокуратурасининг кассация протести бўйича хўжалик ишини кўриб чиқди.

Бироқ, очиқ суд мажлиси масаланинг туб моҳиятини бир четда қолдириб, "Алғабас" фермер хўжалигига туман ҳокимининг тегишли қарори билан 33,1 гектар ер майдони ажратилганлиги, мазкур қарорга биноан тузилган ижара шартномасидаги фермер хўжалиги харитасига кўра, икки хўжалик ўртасида келиб чиққан низоли ер майдони унга кирмаслигига урғу берди.

Суднинг бунчалар чалғиб кетиши сабабини англаш қийин. Ахир, айнан шу суд ҳал қилувчи қарорининг 3-саҳифа, 4-бандида бу 33,1 гектар ер "Алғабас" фермер хўжалиги ҳисоботига етмаган ер участкаси сифатида туман ҳокимининг 2007 йил 28 декабрдаги 1079-сонли қарори асосида қўшимча равишда ажратиб берилгани аниқланганлиги таъкидланган-ку?! Низоли 10 гектар ер участкаси "Алғабас"га 1999 йили амалда ажратиб берилган 114 гектар ер майдони таркибида-ку?! Наҳотки, суд мана шу ҳолатнинг фарқига бормаган бўлса? Хуллас, бу гал ҳам суд даъво талабини рад этувчи ҳал қилув қарорини чиқарди.

Ана энди "Қўрғон" агрофирмасидагилар даъвогарнинг бурнини ерга ишқаб қўйишга отланиб, жавобгар – "Алғабас" фермер хўжалигидан 8 миллион 770 минг сўм зарар(!)ни ундириш тўғрисидаги даъво билан чиқдилар. 11-0930/9176(30)-сонли бу иш судья З. Қаландарова раислигида кўриб чиқилди. Ва... "Алғабас"дан даъвогар ҳисобига "юридик хизмат ҳақи" учун 3 миллион 800 минг сўм, бошқа харажатлар ҳисобига 370 минг сўм ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори имзоланди.

Бу энди ҳеч қандай қолипларга сиғмасди. Шу боис яна вилоят прокуратураси вилоят хўжалик судининг апелляция судлов ҳайъатига апелляция протести киритди. Унда биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келиб, жиддий хатоликка, моддий ҳуқуқ меъёрлари бузилишига йўл қўйганлиги таъкидланиб, ҳар жиҳатдан асосланган ҳолда бу ҳал қилув қарорини бекор қилиш, "Қўрғон" агрофирмаси даъвосини тўлиқ рад этиш хусусида қарор қабул қилишни сўради.

Ва, ниҳоят, "Алғабас" фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига вилоят хўжалик судининг 2009 йил 3 июндаги ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти билан мурожаат қилди. Иш судлов таркиби раиси вазифасини бажарувчи Б. Сайфуллаев раислигида кўриб чиқилиб, шикоят қаноатлантирилди. Ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш биринчи инстанция судида янгидан кўриш учун вилоят хўжалик судига юборилди.

– Ниҳоят, адолат қарор топадиган пайт ҳам етиб келди! – дейди Холмат Дуйсенов енгил тортиб.

Шундаймикан? Энди бу ёғини вақт кўрсатади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2009 йил 27 ноябрь куни соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади.

1. Битта пакет билан:
ВХ-503 "Чирчиқ АББ – Товоқсой қишлоғи"
ВХ-508 "Чирчиқ АББ – Қоратухум қишлоғи"
ВХ-518 "ЭХП – Озодбош қишлоғи"
ШИ-21 й.т. "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (АТС)"

2. Битта пакет билан:
ВХ-448 й.т. "Келес шаҳри – Чилонзор буюм бозори"
ВХ-466 й.т. "Абдураҳмонов ф/у – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
ВХ-489 й.т. "Усмон ота оромгоҳи – Чилонзор буюм бозори"

3. Битта пакет билан:
ВХ-515 "Чирчиқ АББ – Бўстон қўрғони"
ШИ-3 й.т. "ЭХП-8 – Кичик ноҳия (шаҳар парки)"
ШИ-19 "Чинор маҳалласи – Айланма"
ШИ-26 "Аранча маҳалласи – Ҳарбийлар шаҳарчаси"
4. ВХ-460 й.т. "Шоимкўприк маҳалласи – Ширин АШБ"
5. ШИ-15 й.т. "Қорабоғ маҳалласи – Янги Жигаристон маҳалласи"
6. ВХ-450 "Паррандачилик фабрикаси – Тошкент (С. Раҳимов АШБ)"
7. ВХ-587 "Чиноз-1 – Чиноз-2"

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2009 йил 22 ноябргача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2009 йил 26 ноябрь соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.

Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 17 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақроран Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан (02.06.08 й., №№ 2-95/08 ижро ҳужжатига асосан) умумий майдони 455,82 кв.м., махсус хона майдони 29,39 кв.м. бўлган, Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси, 259-уй манзилида жойлашган, 2 қаватли нотураржой биносининг 2-қавати қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 50 247 947 сўм.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сергели ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

ҚИТЪА СПОРТЧИЛАРИ ВЬЕТНАМДА БЕЛЛАШМОҚДА

Жорий йилнинг 26 октябрь – 8 ноябрь кунлари қитъамиздаги қиркдан зиёд мамлакатнинг энг кучли спортчилари Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларида йигирма икки спорт тури бўйича ғолиблик учун куч синашади.

Ўзбекистон спортчилари 2005 йили Таиландда, икки йилдан сўнг Макаода ўтказилган ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида жами саккизта олтин, тўққизта кумуш ва ўн битта бронза медални қўлга киритган.

Айни пайтда қитъамизнинг энг кучли терма жамоаларидан ҳисобланган футзалчи қизларимиз ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари тарихида биринчи олтин медални қўлга киритган, икки йилдан сўнг Макаода бронза медаль билан тақдирланган. Ўтган мусобақаларда биттадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлган футзалчи йигитларимиз бу йил ҳам совринли ўринларга даъвогар ҳисобланади.

Енгил атлетика ва сузиш бўйича терма жамоамиз асосан иқтидорли ёшлардан таркиб топган бўлса-да, спортчиларимизнинг аксарияти нуфузли мусобақаларда тажриба тўплаган. Енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони С. Радзивил, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори В. Канатова, Осиёнинг энг кучли спринтерларидан бири Г. Хуббиевадан бу гал ҳам умид катта. Сузувчилар ўртасида Ю. Кўчқорова, Р. Омонова, Д. Швецов мамлакатимизда бир неча маротаба рекорд қўйган.

Ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари дастуридан жой олган яккакураш турлари – муайтай, кикбоксинг, пенчак-силат бўйича терма жамоамиз таркибига М. Қаҳҳоров, Ф. Холмуродов ва Ш. Шарипов сингари жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиб ва сровиндорлари киритилган. Шунингдек, шахмат, компьютер ўйинлари, боулинг каби спорт турлари бўйича мусобақаларда қатнашадиган спортчиларимиз ҳам пухта тайёргарлик кўрган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Китобингизни ўқидим



Ҳаёт бўстонида ўзига хос боғ-роғ, гулу гулзорлар яратиб, кексалик чоғида унинг ҳаётбахш нашъу намоси, ширин-ширин меваларидан баҳраманд бўлиб яшаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зеро, бу неъматларнинг баҳоси заҳматли меҳнат, инсофу диёнат, ҳалоллик, поклик билан ўлчанади.

Кекса журналист, моҳир сухандон, қалби дарё, бағри кенг устоз, пири бадавлат отахон Халил Қаюмов ҳақиқатан ҳам ўзи яратган боғнинг садоқатли боғбонларидан. Ана шу ҳаёт боғидан терилган сархил мевалар, гуллар ифорини қалб дафтари, кўнгил китобига жо қилиб, уни "Сабр бўстони" деб атабди.

ЖУРЪАТ

Китобни қўлга олар экансиз, етмиш беш йиллик ҳаёт тажрибаси, синовлари, чиғириқларида тобланган, турфа феъл-атвору, қиёфалардан гоҳо завқланиб, гоҳо нафратланиб яшаётган сермулоҳаза инсон билан суҳбатлашгандек, дардлашгандек бўласиз.

Тўғри, шеър ёзиш – кўнгил ёзиш дегани эмас. Шоирлик – бу масъулият, шеърият дарғалари олдидаги улкан жавобгарлик ҳам. Шу маънода муаллифнинг журъати, унга илҳом бағишлаган покиза кўнгил завқига ҳавас қилсак, олқишласак арзийди.

Қуйида китобдан ўрин олган шеърлардан сизга ҳам илиндик.

ШЕЪР ТУҒИЛАР

Қариганда кўргандек фарзанд,
Шеър туғилар бу кекса қалбда.
Хотиралар ўртаб туну кун,
Оққа кўчар шивирлаб лабда.
Дил тубида ухлаган туйғу.
Бош кўтарар куй шитобида.
Қайд этилмас бундай ҳис, ғулу
Руҳшунослик дарс китобида.

БИР ОДАМЧАЛИК

Ёшлигимга бўлдим қайтгандек,
Набирамнинг бўй-бастин кўриб.
Шунчалар кетибди узоқлаб
Фурсат бедовлари ҳайқириб.

Соч-соқолим оқин санайман
Ношукрлик қилмайман аммо,
Қанча-қанча ишлар бўлди ҳал
Қолмагандек жумбоқ-муаммо.

Қурб етганча, бир одамчалик
Яшай олдик бегард, беғубор.
Мавжуд экан тириклик, ҳаёт
Ҳали жўшқин ижод, юмуш бор.

* * *

Ғофил ҳеч шеър битарми, бошига иш тушмаса,
Қуйилиб сўз келарми, юрак дардла жўшмаса?
Одам дерларми уни нишонсиз келса-кетса.
Юрт меъморин нақшига ўз ҳиссасин қўшмаса?

Халил ҚАЮМОВ.

Мулоҳаза

ЎЗ ВАҚТИДА БЎЛГАН ИШНИНГ ФОЙДАСИ

Кунларнинг бирида чамаси олтмиш ёшлардаги киши хонамга кириб келди. "Бир мақола ёзиб келувдим", деб қўлидаги қоғозни узатди. Сарлавҳага кўзим тушди: "Яна ўқувчи бўлгим келади". Унинг фикр билдиришимни кутиб турганини сезиб, бироз тахрирбоп бўлса-да, ўқишга тушдим. "...Шундай катта имкониятларни кўриб, яна мактабга боргим, янги парталарда ўтириб, ўқувчи бўлгим келади. Зах хоналарда ўтган ўқувчилик йилларимни эслаб, ниманидир хумори тутгандек, мактабга боргим келади. Шундай ёруғ, озода ва кўркам мактаблар болаларимга ҳам насиб этмаганидан, уларнинг армонини ҳам юрагимга тугиб, яна ўқувчи бўлгим келади. Хайрият, невараларим парталарни тўлдириб ўтирибди, уларни кўриб, қувониб, улар билан бирга ўқигим келади..." Мақола шу тарзда давом этар экан, охирида мени жуда ўйлантирган бир жумла бор эди: "Шундай улуғ имкониятларнинг қадрига ёшларимиз ўз вақтида етармикан?"

Бу жумладаги битта сўз "ўз вақтида..." жуда катта маънога эга эди билган одамга. Чунки дунёда ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақти ва ўз йўли бор. Бекорга одамлар "ҳамма нарсанинг вақти-соати бор", деб айтишмас экан.

Холмирза акага (мақола муаллифи) уни албатта чоп этишга ваъда бериб, кузатиб қўяр эканман, "ўз вақтида..." ибораси талай мулоҳазаларни туғдирди. Яхшиси бир бошдан...

Ўз вақтида қилинган иш ва ўз вақтида экилган экиннинг натижаси ҳамиша пухта бўлган. Чунки дунёда меъёр бор, шу меъёрни тўғри англай олиш – ўз вақтини билиш демакдир.

Шу сўзни тарбияга боғласак, олдимизда улкан тоғ пайдо бўлади. Бу тоққа чиқиш ҳам, тушиш ҳам одамни ўйлантиради. Сабаби, биз болалар, ёшлар тарбиясида "ўз вақтида" деган мезонни ҳамма пайт ҳам эсга олмаймиз. Кўпроқ "аттанг" айтадиган пайт келганда "нега энди ўз вақтида шунинг олдини олмадим", деб надомат чекамиз. Жуда кўп ёшлар юртда ишлар тўлиб-тошиб ётган бир пайтда четга чиқиб, ишлаб келишни одат қилди. Афсуски, ўз вақтида маҳаллий ҳокимликлар бунинг олдини олмади. Маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари оилалардаги бу аҳволдан бехабар қолди. Натижада, бу ҳолат шунчалик илдиз отиб кетдики, "одам савдоси" деган бир балога дуч келдик. Унинг "сотувчиси" ўзимиздан чиққанига нима дейсиз?

Куни кеча ўзбошимчалик билан ота-она бағридан чиқиб кетиб, ўзга юртда туҳматга учраб қамалган ва турмада ҳалок бўлган бир танишимизникига таъзияга бордик. Уч қиздан кейин, ёлғиз ўғил кўрган отанинг фарёдидан осмон титрайди.

– Ўз вақтида йўлдан қайтара олмадим, ўз вақтида бағримга чорламадим, – деб йиғлаган отага юпанч топилмайди.

Яна бир гап. Кейингн пайтда ёппасига телефонлашиш бошланиб кетди. Мактаб ўқувчисидан тортиб, то эсини таниган одамларгача буни эҳтиёж сифатида қабул қилиб, фойдаланишмоқда. Баъзи ўқув муассасаларида дарс пайтида ганг-ғур-гунгур гаплашиш ва қўшиқ тинглаб ўтириш одат бўлиб бораяпти. Яқинда янги ишга тушган коллеж директори билан суҳбатимиздан шу нарса маълум бўлдики, юқори ташкилотлар буйруғи билан ўқувчи ва талабаларнинг дарс пайтларида телефондан фойдаланишлари қатъий тақиқлаб қўйилибди. Мен бу чорани ўз вақтида қабул қилинган қарор деб билдим. Ёшларимиз ўртасида телефонга тикилиб ўтириш шунчалик авж олиб кетдики, кўриб, наҳотки, улар соғлиқлари ҳақида ўйлашмайди, деб қайғурасиз...

Тарбиянинг биринчи ўчоғи – оиладир. Демак, ҳар бир тарбия ўз вақтида бўлиши керак.

Хизмат юзасидан яқинда бир суд ишида қатнашдим. Ўғрилик билан қўлга тушган йигит атиги 20 ёшда. Суд жараёнида отасига сўз беришди. У шундай деди:

– Тўғри, ўғлимни оқламайман, айб менда ҳам бор. Болалигида ҳам қўли эгрироқ эди, катта бўлса қолиб кетар деб, ўз вақтида танбеҳ бермадим. Кечиринглар, уни йўлга солиб оламан...

Афсуски, ўз вақтида қатъий чоралар кўрмагани ўғлини йўлдан адаштирганлигини ота кеч тушунди, тавбанинг фойдаси зарарга айланиб бўлган эди...

Оилада ўз вақтида қилиниши лозим бўлган тарбиявий ишлар умр охиригача давом этиши керак. Болаликдан ёшлик даврига ўтдингизми, ёшликдан кексалик сари йўл олдингизми, ўз вақтида қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Раҳматли бувимнинг 98 ёшларида ҳам 60 га кирган отам ишдан кеч қолса "ишдан вақтида қайтиб, болаларинг бағрида ўтирсанг бўлмайдими", деб қойишларини эсласам, кулиб қўяман...

Ёшларимизни ёмон йўллардан қайтаришнинг ҳам ўз вақти бор. Ҳозир, баъзи ёшлар билан суҳбатлашсангиз, қора ишдан кўра "пал-кали" ишларга интилиш кучлилигига иқрор бўласиз. Лекин бу ҳаётда меҳнат қилишнинг уяти йўқ ва аксинча, дангасаликнинг маломати бор. Мол боқиб, бола-чақасини едириб-кийинтираётган одам билан давлат идорасида ишлаётган одамнинг фарқи йўқ. Иккаласи ҳам ҳалол меҳнат билан болаларига насиба олиб келаяпти. Биз ўз вақтида болаларга меҳнатнинг қайси тури бўлса ҳам у бизнинг ҳаётимизни мазмунли, дастурхонимизни баракали қилишини ўргата олсак, бас.

"Ўз вақтида..." деган сўз атрофида туғилган мулоҳазалар шунчалик кўпки, одам чалкашиб кетиши турган гап. Лекин бир муҳим фикр хусусида, гарчи бу ҳақда кўп гапирилаётган бўлса ҳам тўхталмасак бўлмас. Кейинги вақтда бемаза қўшиқлар кўпайиб кетди. Уларни тўхтатиш учун ўз вақтида чора кўрмасак, бу ҳақда очиқ-ойдин гапирмасак кейин кеч бўлади. Қолган гап бизни қўллаб-қувватловчиларга...

Яқинда хонадонимизга қашқадарёлик бир акамиз ташриф буюрди. У жуда катта бахши бўлмаса ҳам оилада, кичик давраларда бахшичилик қилиб туради. Чориёр ака билан суҳбатимиз роса қизиди. Эртаси куни касб-ҳунар коллежидаги бир учрашувга олиб бордим. У ерда мени анчадан бери ўйлантириб юрган "ўз вақтида" мавзусида чиқиш қилдим. Чориёр ака эса менинг гапларимни мўлжалга олиб, термалар айтди. Уни шеърга солганда шундай чиқди:

Қўл узатинг, болаларим,
орзуларга,
Умидларнинг қанотига
миниб олинг.
Дунёдаги сирлар билан
сирлашиб, сўнг,
Бир-бирингиз қувватлаб,
ҳам йўлга солинг.

Чўққиларга белни боғлаб
интилинглар,
Бу кўпкари ҳаётнинг
кўп тикими бор.
Ахир сизлар
юртимизнинг эгалари,
Сизлар ахир бахт-
иқболга дўст ҳамда ёр.

Ахлоқ-одоб боболардан
қолган мерос,
Момолардан ўтиб келди
урф-одатлар.
Қайга борманг,
ўзлигимиз танисангиз,
Ўзи сизни йўқлаб
келар саодатлар.

Тайёрига ўрганманглар,
меҳнат қилинг,
Отангизга қанот бўлинг,
аҳил яшанг.
Елка қисар замон ўтди,
кўкрак кериб –
Қадамни ҳам дадил-
дадил, катта ташланг.

Кўникманглар, етти
ётнинг тузоқ қўйиб,
Фикрингизни бузиб
турган ғоясига.
Арзирмиди мингтасининг
ақли, ҳатто,
Боболарнинг солиб
турган соясига.

Аҳил бўлинг, иноқ
бўлинг, содиқ бўлинг,
Ўзбекистон деган
юртнинг болалари.
Йўл юрса ҳам, мўл
юрган шу ботир элнинг,
Ҳур кўксидан униб
чиққан лолалари!

Аҳил бўлинг, иноқ
бўлинг, содиқ бўлинг...

Даврадан қайтар эканмиз, Чориёр ака "укажон, шу иш вақтида бўлди-да", деб хурсандчилигини билдирди. Мен эса таҳририятга мақола ёзиб келган Холмирза аканинг гапини эладим: "Шундай улуғ имкониятларнинг қадрига ёшларимиз ўз вақтида етармикан?"

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Сўраган экансиз

ҚАЙ БИРИ ДУРУСТ?

Ҳурматли "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти!

Мен Чирчиқдаги "Компролактам" заводида 20 йил ишлаб, пенсияга чиқдим, ҳозир уйдаман. Бир йил олдин чап кўкрак безида шиш ва оғриқ, кейинроқ каптар тухумидек қаттиқ тугунча пайдо бўлди. Поликлиникага чиқдим, улар мени онкология шифохонасига жўнатишди. Тошкентга қатнаб, 2 ой овора бўлдим.

Айтишларича, кўкрагимдаги ўсимта хавфли эмас экан. Операцияга рози бўлмадим.

Халқ табобати усулларидан фойдалансам бўладими?

Г. А.

Кўпинча, аёлларни кўкрак безида ҳар хил тугунчалар пайдо бўлиб, уларни қийин аҳволга солиб қўяди. Бу тугунчалар вақт ўтиши билан катталашади, айрим ҳолларда хавфли ўсмага айланиши мумкин. Бундай хасталикни сезган аёл зудлик билан гинекологга мурожаат қилиши, поликлиника кўригидан ўтгач, даволаниш учун мутахассисга кўриниши керак. Бундай ҳолларда ушбу топилган тугунчалардан беопсия олинади ва гистологик текшириш ўтказилади.

Кўп аёлларга фиброз мастопатия ташҳиси қўйилиб, муолажа белгиланса-да, хасталикларига бефарқ қарашиб, даволанмай юраверадилар. Бу эса оғир асоратларга олиб келади. Шунинг учун ҳар бир аёл ўзида шундай ўзгаришлар сезган бўлса, тўла-тўкис даволаниши ва шифокор назоратида бўлмоғи зарур.

Айрим беморлар бу касалликда гиёҳлардан фойдаланган ҳолда даволаниш мумкинми, деб савол берадилар. Бизнинг жавобимиз шуки, мастопатия касаллигининг хавфли томонлари аниқланган бўлса, бу билан онколог шуғулланади. Гиёҳлардан тайёрланган дори воситалари фақат асосий даволаш усулларига қўшимча ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда фитотерапия, яъни гиёҳлар билан даволаш мастопатиядан қутулишга олиб келади, бошқа ҳолларда эса жарроҳлик усули билан даволаш мумкин. Бу масалани фақат шифокор ҳал қилади. Қуйида гиёҳлардан тайёрланган дориларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Икки ош қошиқ маккажўхори попугига бир ош қошиқ бўйимадарон, қирқбўғим, қора арча мевалари қўшилади. Бу гиёҳдан бир коса қайноқ сувга бир ош қошиқ дамланиб, кейин докадан сузилади. Ҳар куни бир пиёладан уч марта овқатдан кейин истеъмол қилинади. Даволаш муддати – икки ой.

Икки ош қошиқ қичитқи ўт, иттиканак, фиалка, қирқбўғим, валана илдизлари қўшмасидан олиниб, аралаштирилади. Бу аралашмадан бир ош қошиқ олиниб, бир пиёла қайноқ сув солиб, ярим соат дамланади ва докадан сузилади. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун бир пиёладан овқатдан кейин истеъмол қилинади. Даволаш муддати – икки ой.

Икки ош қошиқ эвкалипт баргига иттиканакни ва бир ош қошиқ чистотел (қончўп – баъзи тери касалликларини даволаш учун ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик) аралаштирилади. Бу қўшма гиёҳлардан бир ош қошиғи бир стакан қайноқ сувга солиниб, ярим соат дамлаб қўйилади, кейин докадан сузилади. Дамлама икки ош қошиқдан кунига уч марта овқатдан сўнг қабул қилинади. Даволаш муддати – икки ой.

Йигирма-ўттизта ёнғоқни чақиб, мағиз паллалари ўртасидаги деворчалари 0,5 литр ароққа солинади. Идиш қопқоғини мустаҳкам ёпиб, 10 кун қоронғу жойда сақланади, кейин докадан сузиб олинади. Ушбу тиндирма бир пиёла сувга 20 томчидан қўшилиб, кунига уч марта овқатдан ярим соат олдин ичилади. Даволаш муддати – икки ой.

Қўшимча ҳолатда шишларни бартараф қилиш ва оғриқни камайтириш учун қуйидаги рецептдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қирқбўғим гиёҳидан дамлама, оқ қарағай баргидан чой тайёрлаб, кунига уч марта овқатдан олдин қабул қилиш керак.

Юқорида келтирилган гиёҳлар дамламаси турли хил бўлиб, уларни танлашда шифокор билан маслаҳатлашган маъқул. Ўзингиз истеъмол қилаётган овқатга хом карам, энди униб чиққан буғдой ниҳоли, помидор, булғор қалампири, петрушка, укроп, кўк пиёз, цитрус мевалари, ёнғоқ, писта ва қовоқ қўшинг. Ўткир овқатлар, ҳар хил маринадлар, аччиқ қалампир ва саримсоқ истеъмол қилманг. Шу билан бирга бу касалликда кофе, сигарет, аччиқ чой ва қувват бўладиган ичимликлар мумкин эмас. Чунки улар тугунчалар ўсишини кучайтиради, Суюқликни кунига бир литр ичишга ўтинг, шу билан бирга ош тузини меъёрида ишлатинг.

Юқорида айтилган муолажаларга амал қилсангиз, мастопатиядан тезда халос бўласиз.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, тадбиркорлар, шаҳримиз ва вилоятимиз аҳолиси диққатига!

Тошкент вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси Ўзбекистон Республикаси ва Ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган матбуот нашрларига (газета ва журналларга) 2010 йил учун обуна компанияси давом этаётганини маълум қилади.

Ҳурматли обуначилар! Биз сиз обуна бўлган газета ва журналларни ўз вақтида ва тезкорлик билан етказишга тўлиқ кафолат берамиз! Бундай имкониятни қўлдан бой берманг!

Шунингдек, обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида барча хоҳловчи фуқароларни шартнома асосида ҳамкорликка таклиф этамиз! Жамоатчи обуначилар ўзаро тузиладиган ҳамкорлик шартномасига кўра рағбатлантирилади.

Мурожаат учун телефонларимиз:
(8 371) 233-13-04, 470-27-08.
Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Утерянный патент частного предпринимателя Запурова Рихсибая Сабировича (ИНН 600547124), зарегистрированного отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства Сабир Рахимовского района г. Ташкента № 0506618 от 11.12.2007 года,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Общество с ограниченной ответственностью "BOSH KIYIM VA TIKUV MAHSULOTLARI", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сабир Рахимовского района г. Ташкента № 001717-05 от 28.12.2007 г. (ИНН 300098978, ОКОНХ 17210, ОКПО 22394865) в соответствии с решением учредителя № 6 от 23.10.2009г.,
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.
Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Карасарайская, 324-А. Тел.: 228-03-00.

СП ООО "INVEST HOUSE BIZNES" г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 164.000 (сто шестьдесят четыре тысячи) долларов США до 84.000 (восемьдесят четыре тысячи) долларов США. Тел.: 187-76-04.

ООО "QURILISH-STANDART-INVEST" Мирабадского района г. Ташкента (ИНН 200510364) сообщает об уменьшении уставного фонда с 162.999.426 сумов до 16.549.713 сумов. Тел.: 256-61-91

Бектемир тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 3 сентябрда рўйхатга олинган, Бектемир шоҳкўчаси, 5-а уйда жойлашган "DIS PRO SYSTEM" хусусий корхонаси (СТИР 300888983, ОКПО 22478417) корхона таъсисчисининг 2009 йил 21 октябрдаги 4-сонли буйруғига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда Бектемир тумани, Бектемир шоҳкўчаси, 5-а уй манзилида қабул қилинади. Телефон: 449-28-20.

Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 28.01.2008 йилда № 10-03185 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 452900338) якка тартибдаги тадбиркор Насритдинова Шахноза Ходжимуратовнага тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур туман БТИ томонидан Именова Гулнора Якубовна номига Қоратош 22-уй, 11-хонадон манзили бўйича № 5031 рақам билан берилган уй плани йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота туманидаги 25-мактаб томонидан 2005 йилда Якубов Сирожиддин Абдуқаюмович номига берилган № 1583452 рақамли 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Частное предприятие «DORUM-BIZNES», зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента № 003262-08 от 27.09.2007 г. (ИНН 300578467, ОКПО 22166416, в соответствии с решением учредителя от 19.10.2009 г.)
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.
Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, массив Чиланзар-17-41-62 или по тел.: 216-90-66.

ЧП «ELEKTRTEXASBOB-QURILISHBUTLASH» (ИНН 202560104), зарегистрированное в Бектемирском районе г. Ташкента,
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 250-23-99.

ООО «GRANDQURILISH-INVEST» (ИНН 204976082), зарегистрированное в Бектемирском районе г. Ташкента,
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 250-23-99.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи Умид УБАЙДУЛЛО

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-940. Адади 4253. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5